

Иштироки сур



NGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

№ 5-21/836

Навий 2022 йил

ЁДДА ТУТИНГ! ЭСЛАТМА!!!

Табий газдан фойдаланишда қондаларга риоя этмаслик авария ва бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

ҚАТЪИЙЯН ТАҚИҚЛАНАДИ!!!

- Корхонада газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича буйруқ билан бириктирилган жавобгар шахслардан бошқа ишчи ходимларнинг газ ускуналарини бошқариши, фойдаланиши;
- Қозонхона ва газ ускуналари ўрнатилган хоналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, дам олиш ва ухлаш мақсадларида фойдаланиш;
- Газда ишлайдиган қурилмаларни ўзбошимчалик билан газ тармоқларига улаш, жойини ўзгартириш, алмаштириш ва таъмирлаш;
- Газда ишлайдиган қурилмалар ўрнатилган биноларни меъёрий шартларга тўғри келмаган ҳолда қайта режалаштириш;
- Газда ишлайдиган қурилма, тутун ва вентиляция (шамоллатиш) тизимлар конструкциясига ўзбошимчалик билан ўзгартириш киритиш, вентиляция (шамоллатиш) каналларини тўсиб қўйиш, мўриларни тозалаш учун мўлжалланган "қарман" ва локларни беркигиб ташлаш;
- Елик ойналар (форточка), жалюзали панжаралар, вентиляция (шамоллатиш) каналлари панжаралари ёпик бўлганда, ванна ва ошхона эшиклари остида тешиклар ҳамда мўри ва вентиляция (шамоллатиш) каналларида тортиш кучи(тяга) йўқлигида газ қурилмаларидан фойдаланиш;
- Мўри ва вентиляция каналларини текширилганлиги ҳамда созлиги тўғрисидаги далолатномалар мавжуд бўлмаганда газдан фойдаланиш;
- Хавфсизлик ва бошқариш автоматикасини ўзбошимчалик билан ўчириш, газ жиҳозлари, автоматика ва қурилма носоз бўлганда улардан фойдаланиш;
- Ишлаб турган газ қурилмаларини қаровсиз қолдириш, назоратсиз қолдириш;
- Носоз газ ускуна ва жиҳозларини ўзбошимчалик билан таъмирлаш;
- Табiiй газ бор ёки йўқлигини билиш учун олов ёқиб текшириш (одатда бу мақсадларда совунли эмулъсия ёки махсус қурилмалардан фойдаланиш лозим);

ДИҚҚАТ!

Бинода (хонада) газ хиди пайдо бўлганда, дарҳол газ қурилмаларининг жўмрақларини беркигиб, дераза ва эшикларни очиб, елвизак (шамоллатиш) хосил қилиш ва телефон орқали 104 авария хизматини чақириб зарур. Олов ёқмаслик, чекмаслик, электр ёритиш асбоблари ва электр қурилмаларини ёқмаслик, электр қўнгироклардан фойдаланмаслик, газланган ҳудуддан одамларни ташқарига чиқариш керак.

Газдан фойдаланиш қондаларига риоя қилмаслик инсон ҳаёти учун ХАВФЛИ бўлиши мумкин!

Нафакат яқинларингиз ҳаёти ва мулки олдиде, балки бошқа фуқаролар олдидеги ўз шахсий жавобгарлигингизни УНУТМАНГ!!!

ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!

Бир нусхасини олдим.

ИМЗО _____ 2022 йил " ____ "